

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўрта тадбиркорликни (бизнес) жадал ривожлантириш асосида мулқдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, ўрта тадбиркорлик (бизнес) фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йилнинг 1 апрелидан ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилига белгиланганидан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 дан 150 нафаргача, қурилишда 70 дан 100 нафаргача, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 дан 40 нафаргача, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 дан 30 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар киради;

Ўрта корхоналар одатда хом ашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиласиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргалиқда ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ходимларининг ўртacha йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ва Савдо саноат палатаси куйидагиларни таъминласин:

ўрта тадбиркорлик (бизнес) корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, сармоя жалб этиш жараёнининг барча босқичларида сармоя лойиҳаларининг, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиш;

корхонанинг мулк шакли ва соҳа бўйича кимга бўйсунишидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб ва ҳисбот, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда қўмаклашиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2020 йил 1 апрелдан бошлаб ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектларидан чораклик ҳисботлар олинишини Давлат статистика дастурига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида ушбу қарордан келиб чиқиб:

ўрта тадбиркорлик (бизнес) синфини киритиш масаласи бўйича қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритсин;

кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.Мирзиёев